

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

29-сон
(113)
2004 й.
июль

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

329. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида» 1995 йил 5 январдаги ПФ–1030-сон Фармони айрим қоидаларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 июлдаги ПФ–3466-сон Фармони

Учинчи бўлим

330. «Почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 июлдаги 339-сон қарори

331. «Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 июлдаги 340-сон қарори

332. «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини

- такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 июлдаги 341-сон қарори
333. «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 июлдаги 342-сон қарори
334. «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 июлдаги 343-сон қарори
335. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 июлдаги 346-сон қарори
336. «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 июлдаги 349-сон қарори

Бешинчи бўлим

338. «2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Дастурини молиялаш учун йўналтирилаётган маблағларни солиқ солиш базасидан камайтириш юзасидан хўжалик юритувчи субъектлар учун даромад (фойда) солиғи бўйича имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 13 июлдаги 94, 2004-46-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 21 июлда 1387-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
339. «Автомобиль йўллари орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона кузатуви тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ички ишлар вазирлигининг 2004 йил 6 июлдаги 01-02/20-28, 24/5-2000-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 21 июлда 1278-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
340. «Ўзбекистон Республикаси норезидентлар томонидан радиоалоқани ташкил этиш учун рухсатнома ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2004 йил 28 июндаги 180-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 21 июлда 1388-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
341. «2004 йилда аммиакли селитрадан ташқари, минерал ўғитларни биржа савдоларида сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, «Ўзкимёсаноат» ДАК, Ўзбекистон республика товар хомашё биржасининг 2004 йил 30 июндаги 37, 01/24-36, 91, 01-2003, 42-01/393-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 21 июлда 1389-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

342. «Ишончли вакил тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасининг 2004 йил 15 июлдаги 1-сон қарори. (2004 йил 23 июлда давлат реестридан чиқарилди)
343. «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилишига доир ишларни кўриб чиқиш ва жазо қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2004 йил 6 июлдаги 2004-15-сон буйруғи. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 23 июлда 1131-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 17 июлдан 23 июлгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

329 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида» 1995 йил 5 январдаги ПФ–1030-сон Фармонини айрим қоидаларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхона тўғрисида» Қонунини қабул қилиниши ва Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни асосида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида» 1995 йил 5 январдаги ПФ–1030-сон Фармонининг 2, 4 ва 5-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 21 июль,
ПФ–3466-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

330 Почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида

Почта алоқасини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва унинг фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек «Почта алоқаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳамда 2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг қабул қилинган дастурини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

«Ўзбекистон почтаси» давлат-акциядорлик компаниясини «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятига айлантириш тўғрисида;

1-иловага мувофиқ акциядорлик жамиятларини, уларнинг негизида «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти филиалларини ташкил этган ҳолда, «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятига қўшиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг таклифига, шунингдек «Ўзбекистон почтаси» давлат-акциядорлик компанияси ҳамда унинг таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари умумий йиғилишларининг қарорларига розилик берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти «Ўзбекистон почтаси» давлат-акциядорлик компанияси ҳамда унинг таркибига кирувчи акциядорлик жамиятларининг тузилган шартномалари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси почта алоқасининг миллий оператори этиб белгилансин, унга қуйидаги асосий вазифаларни бажариш юклансин:

почта алоқаси хизматлари бозоридаги талабни қондириш, республиканинг бутун ҳудудидаги барча фойдаланувчилар учун ягона қоидалар ва талаблар асосида мажбурий тартибда почта алоқаси универсал хизматлари кўрсатиш;

почта алоқаси соҳасида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, уни хўжалик юретишнинг бозор шароитларига ўтказиш, кўрсатиладиган хизматлар турларини кенгайтириш;

почта алоқаси хизматлари ва қўшимча хизматлар кўрсатиш учун почта алоқаси тармоқлари ва воситаларини эркинлаштириш ҳамда ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш, уларни фойдаланувчиларга яқинлаштириш;

почта жўнатмаларини, почта орқали пул маблағлари жўнатмаларини халқаро, шу жумладан хорижий мамлакатлар билан айирбошлашни ташкил қилиш;

почта алоқаси тармоқларида ёзишмаларнинг махфийлигини ва почта хавфсизлигини таъминлаш;

маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда паст нархлардаги хизматларнинг янги турларини жорий этиш йўли билан почта хизматлари бозоридаги рақобатбардошлиликни ошириш;

почта алоқаси сифати ва ишончилигини ошириш учун ахборот технологияларини қўлланиш;

почта алоқаси соҳасида мутахассислар тайёрлашнинг юқори даражасини таъминлаш.

3. Қўйидагилар:

«Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

«Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти бошқарув аппаратининг ходимларнинг чекланган умумий сони 92 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 65 нафар бўлган тузилмаси 3-иловага мувофиқ маъқуллансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятининг устав жамғармаси очик акциядорлик жамиятининг ўз мол-мулки, 1-иловада кўрсатилган қайта ташкил этилаётган акциядорлик жамиятлари мол-мулки ҳисобига шакллантирилади, акциялари пакетлари қўйидагича тақсимланади:

давлат мулкида сақланадиган улуш — 51 фоиз;

эркин сотиш учун мўлжалланган улуш — 49 фоиз.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятининг устав жамғармасини шакллантириш тадбирларини белгиланган тартибда амалга оширсин, қайта ташкил этилаётган акциядорлик жамиятларининг акцияларини эркин сотиш учун мўлжалланган улуш ҳисобига «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти акцияларига конвертация қилсин.

6. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги 2010 йилгача почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизда хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастурини икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ


Тошкент ш.,
2004 йил 19 июль,
339-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 19 июлдаги 339-сон қарорига
1-ИЛОВА

**«Ўзбекистон почтаси» давлат-акциядорлик компанияси
таркибига кирган қайта ташкил этиладиган, «Ўзбекистон
почтаси» очик акциядорлик жамиятига қўшиладиган
акциядорлик жамиятлари рўйхати**

1. «Қорақалпоқ почтаси» акциядорлик жамияти
2. «Андижон почтаси» акциядорлик жамияти
3. «Бухоро почтаси» акциядорлик жамияти
4. «Жиззах почтаси» акциядорлик жамияти
5. «Қашқадарё почтаси» акциядорлик жамияти
6. «Навоий почтаси» акциядорлик жамияти
7. «Наманган почтаси» акциядорлик жамияти
8. «Самарқанд почтаси» акциядорлик жамияти
9. «Сурхондарё почтаси» акциядорлик жамияти
10. «Сирдарё почтаси» акциядорлик жамияти
11. «Тошкент почтаси» акциядорлик жамияти
12. «Фарғона почтаси» акциядорлик жамияти
13. «Хоразм почтаси» акциядорлик жамияти
14. «Тошкент почтамти» акциядорлик жамияти
15. «Халқаро почтамт» акциядорлик жамияти
16. «Ўзбекистон маркаси» акциядорлик жамияти
17. «Халқаро тезкор почта» акциядорлик жамияти

«Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмаси




*) Филиалларга шаар почта алоқаси тармоқлари ва вилоятлар марказлари почтамтлари қўшилди.
Янги ташкил этиладиган филиаллар

ШПАТ — шаар почта алоқаси тармоғи;
РУПС — туман почта алоқаси тармоғи;
ШАБ — шаар алоқа бўлими;
ҚАБ — қишлоқ алоқа бўлими

Ходимларнинг текланган умумий сони 1087 киши, шу жумладан маъмурий бошқарув ходимлари 780 киши

**«Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти бошқарув
аппаратининг тузилмаси**



Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 19 июлдаги 339-сон қарорига
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида» 2003 йил 17 апрелдаги 185-сон қарорига:

3-иловадаги 629—645-позициялар чиқариб ташлансин;

4-иловадаги 337-позицияда «Ўзбекистон почтаси» давлат-акциядорлик компанияси сўзлари «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 7 майдаги 215-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 5-сон, 47-модда):

1-иловадаги «Ўзбекистон почтаси» давлат-акциядорлик компанияси сўзлари «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти сўзлари билан алмаштирилсин;

1а-иловадаги «Ўзбекистон почтаси» давлат-акциядорлик компанияси сўзлари «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

331 Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Юридик ва жисмоний шахсларнинг улгуржи савдо қилиш билан боғлиқ фаолиятини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2004 йил 1 августдан бошлаб улгуржи савдо фаолиятини амалга ошираётган юридик шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг камида 4600 баравари миқдорида устав фондига эга бўлишлари, ундан энг кам ойлик иш ҳақининг камида 1530 баравари миқдоридигиси пул маблағлари бўлиши шартлиги ҳақидаги тартиб жорий этилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 71-модда):

1-банднинг иккинчи хатбошидаги «6000» ва «2000» рақамлари тегишли равишда «4600» ва «1530» рақамлари билан алмаштирилсин;

Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида низомнинг (қарорга илова) 6-бандидаги «6000» ва «2000» рақамлари тегишли равишда «4600» ва «1530» рақамлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўн кун муддатда Вазирлар Маҳкамасига амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклиф киритсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва М.З. Усмонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 20 июль,
340-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

332 Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан олий таълим муассасаларининг кадрлар тайёрлаш, профессор-ўқитувчилар малакасининг талаб этиладиган даражасини таъминлаш, ўқитишнинг инновация усулларини жорий этиш, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда талаба ёшлар ўртасида тарбиявий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш масалаларидаги фаолияти устидан назорат бўшаштириб юборилганлигини, бу мутахассислар тайёрлаш сифатига салбий таъсир кўрсатаётганлигини қайд этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устуворликларига мувофиқ кадрларни сифатли ўқитиш ва тарбиялашни ташкил этиш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ–3358-сон Фармони бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қарорига кўра ходимларнинг умумий сони 387 нафар бўлган 8 та хўжалик ҳисобидаги Вазирлик тасарруфидаги ташкилот унинг тузилмасидан чиқарилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасида юксак маънавий-ахлоқий фазилатли, мустақил фикрлашга қодир бўлган, ҳозирги замон бозор шароитларида ишни ташкил этишнинг илғор усуллари ва шакллари эгаллаб олган юқори маълумотли, малакали кадрлар тайёрлашга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

илғор жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда республикада олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида мўлжалланган вазифалар бажарилишини таъминлаш;

идоровий бўйсунушидан ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, республиканинг олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига ўқув-педагогик ва илмий-методик раҳбарликни амалга ошириш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларда давлат таълим стандартлари талаблари ва таълим даражасига ва мазмунига, мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги сифатига қўйиладиган бошқа талаблар бажарилишини таъминлаш;

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устуворликларига мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг мавжуд ва истиқболли йўналишлари бўйича корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек фуқаролар томонидан таълим хизматларига бўлган талабни ўрганиш ва унинг қондирилишини таъминлаш;

ўқув-тарбия жараёнида ўқитишнинг илғор шакллари, шу жумладан масофадан туриб ўқитиш шаклини, янги педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

Узлуксиз таълим тизими учун янги авлод ўқув адабиёти яратиш концепцияси талабларига мувофиқ дарсликлар ва ўқув-методик адабиётлар яратилиши, таржима қилиниши ва нашр этилишини ташкил этиш;

педагог кадрлар ва мутахассислар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ташкил этиш ва такомиллаштириш;

олий ўқув юртларида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, уларнинг самардорлигини ошириш ва тадқиқотларнинг натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

барча манбалар, айниқса тўлов-контракт шакли бўйича олий таълим муассасалари даромадлари шакллантирилиши ва улардан самарали фойдаланилиши устидан назорат қилиш.

3. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимининг ташкилий тузилмаси ҳамда ходимларнинг чекланган умумий сони 54 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 38 нафар бўлган марказий аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлига ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида Вазирлик марказий аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш марказига айлантирилсин.

Қўйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини,

педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга талабларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, шунингдек мамлакат лицейлари, коллежлари ва олий таълим муассасаларида ўқув жараёнининг ўзаро боғлиқлиги ва узлуксизлигини методик таъминлаш;

ўқитишнинг интерактив методларини, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишга асосланган мультимедий ўқитиш дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

лицейлар, коллежлар, бакалаврият ва магистратура таълим дастурларига кирувчи барча фанлар бўйича янги авлод ўқув адабиётлари тайёрлашни ва улар билан таълим муассасаларини таъминлашни ташкил этиш;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг фаолият кўрсатишини илмий-методик таъминлаш, рақобатбардошли кадрлар тайёрлашга йўналтирилган тадқиқот ишларини амалга ошириш;

илғор жаҳон тажрибасини ўрганиш асосида республикада юқори малакали кадрлар тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Молия вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Жамғарма даромадлари ҳомийлар, хайрия жамғармалари маблағлари, халқаро ташкилотларнинг грантлари, шунингдек олий таълим муассасаларининг тўлов-контракт шаклида ўқитиш учун тушадиган маблағларининг 5 фоизи миқдоридagi ажратмалари ҳисобига шакллантирилади ҳамда янги авлод дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини яратишга, ўқув бинолари ва ётоқхоналарнинг моддий ҳолатини яхшилашга, шунингдек замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга сарфланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир ой муддатда:

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш марказининг Низомини ҳамда унинг тузилмасини;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда — Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси даромадларини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.


7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.


Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 20 июль,
341-сон

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
тизимининг ташкилий тузилмаси**



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги марказий аппаратининг тузилмаси



Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 20 июлдаги 341-сон қарорига
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (кейинги ўринларда матнда Вазирлик деб юритилади) республикада олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимига раҳбарлик қилувчи давлат бошқарув органи ҳисобланади.

Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

2. Вазирлик тизимига Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Олий ва ўрта махсус таълим, каб-хунар таълимини ривожлантириш маркази, идоровий мансуб олий ўқув юртлири киради.

3. Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларига ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

4. Вазирлик ўз фаолиятини давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Вазирлик фаолияти Вазирликка ажратиладиган маблағлар доирасида давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилади.

6. Вазирлик юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

II. Вазирликнинг вазифалари ва функциялари

8. Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасида юксак маънавий-ахлоқий фазилатли, мустақил фикрлашга кодир бўлган, ҳозирги замон бозор шароитларида ишни ташкил этишнинг илғор усуллари ва шакллари эгаллаб олган юқори маълумотли, малакали кадрлар тайёрлашга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

илғор жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда республикада олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида мўлжалланган вазифалар бажарилишини таъминлаш;

идоровий бўйсунушидан ва мулкчилик шаклларида қатъи назар республиканин олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига ўқув-педагогик ва илмий-методик раҳбарликни амалга ошириш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларда давлат таълим стандартлари талаблари ҳамда таълим даражаси ва мазмуни-

га, мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги сифатига қўйиладиган бошқа талаблар бажарилишини таъминлаш;

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устуворликларига мувофиқ кадрлар тайёрлашнинг мавжуд ва истиқболли йўналишлари бўйича корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек фуқаролар томонидан таълим хизматларига бўлган талабни ўрганиш ва унинг қондирилишини таъминлаш;

ўқув-тарбия жараёнида ўқитишнинг илғор шакллари, шу жумладан масофадан туриб ўқитиш, янги педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

Узлуксиз таълим тизими учун янги авлод ўқув адабиёти яратиш концепцияси талабларига мувофиқ дарсликлар ва ўқув-методик адабиётлар яратилиши, таржима қилиниши ва нашр этилишини ташкил этиш;

педагог кадрлар ва мутахассислар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ташкил этиш ва такомиллаштириш;

олий ўқув юртларида илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, уларнинг самардорлигини ошириш ва тадқиқотларнинг натижаларини амалиётга кенг жорий этиш, олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг мустахкам ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

барча манбалар, айниқса тўлов-контракт шакли бўйича олий таълим муассасалари даромадлари шакллантирилиши ва улардан самарали фойдаланилиши устидан назорат қилиш.

8. Вазирлик ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қўйидаги функцияларни амалга оширади:

олий таълим муассасаларида ва Вазирлик тизимидаги бошқа идоравий мансуб ташкилотларда «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури бажарилишини таъминлайди;

бакалаврият таълими ва магистратура мутахассисликлари йўналишлари бўйича давлат таълим стандартларини, олий таълим фанларининг намунавий ўқув режалари ва дастурларини, шунингдек олий таълим муассасалари фаолиятининг аниқ турларини тартибга солувчи норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ бакалаврият таълими ва магистратура мутахассисликларининг истиқболли йўналишлари рўyxатини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда Олий таълимнинг йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритади;

ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, янги авлод ўқув ва ўқув-методик адабиётлар, электрон кутубхоналар жорий этилишини таъминлайди;

олий таълим тизимида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилиши мониторингини олиб боради;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида миллий мустақиллик ғояларига, халқнинг бой миллий ва маданий-тарихий анъаналари ва умуминсоний қадриятларга асосланган ўсиб келаётган авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ташкил этилишини амалга оширади;

олий таълим муассасасининг намунавий уставини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди ҳамда олий таълим муассасаларининг ва Вазирлик тизимидаги бошқа идоравий мансуб ташкилотларининг уставларини тасдиқлайди;

Давлат тест маркази билан биргаликда олий таълим сифатини ошириш чоратадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига республиканинг олий таълим муассасаларига абитуриентларни танлаш ва қабул қилишни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартлари ва олий ўқув юртидан кейинги таълимга, шунингдек педагог кадрлар ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари амалга оширилишини таъминлайди;

педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни ташкил этишнинг самарали шаклларини, шу жумладан масофадан туриб ўқитиш шаклини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг раҳбарлари, педагоглари ва муҳандис-педагог ходимларига қўйиладиган малака талабларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

олий таълим муассасасининг ректори, проректори ва факультет декани лавозимига номзодларни танлаш ва кўрсатиш тартибини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

таълим сифатини оширишга, рақобатбардош кадрлар тайёрлашга, педагог кадрларнинг самарали фаолиятини рағбатлантиришга йўналтирилган норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва ўқув жараёнига жорий этади;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг педагог кадрларини ишга қабул қилишнинг танлов тизими тўғрисидаги низомни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун тақдим этади ҳамда уларнинг амалга оширилишини назорат қилади;

олий таълим соҳасида маркетинг тадқиқотларини ташкил этади, республиканинг олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлашнинг мавжуд ва истиқболли йўналишлари бўйича қабул кўрсаткичларини ишлаб чиқади ва уларни кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритади;

Вазирлик тизимининг олий таълим муассасаларини, шунингдек ўқув-тарбия жараёнини моддий-техник жиҳозлашни молиялаштиришнинг давлат нормативларини белгилаш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқади;

олий таълим муассасалари, Вазирлик корхоналари ва ташкилотларининг хўжалик, ишлаб чиқариш ва молиявий фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

идоравий мансуб олий таълим муассасалари ва ташкилотларининг таъминотига харажатлар сметасини тасдиқлайди ҳамда белгиланган тартибда уларни молиялаштиришни амалга оширади;

Вазирликнинг идоравий мансуб муассасалари ва ташкилотлари бошқарув ходимлари сонини белгиланган тартибда тасдиқлайди;

ўқитишнинг тўлов-контракт шакли даромадлари ва харажатлари сметасини тасдиқлайди ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар тушуми ва сарфланиши устидан назорат қилади;

Вазирликка марказлаштирилган тартибда ажратиладиган маблағларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш учун Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкида жорий, ҳисоб-китоб рақамлари ва бошқа ҳисоб рақамлари очади;

республика илмий-техник дастурлари бўйича фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларни бажаришда олий мактабнинг илмий-техник салоҳиятидан самарали фойдаланилишини таъминлайди;

илмий ва илмий-педагог кадрлар аспирантура ва докторантура орқали белгиланган тартибда тайёрланишини ташкил этади;

олий таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади, Ўзбекистон Рес-

публикасининг халқаро шартномалари ва битимлари асосида хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатади;

идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклларида қатъи назар республиканинг олий таълим муассасаларида хорижий мамлакатлар учун мутахассислар тайёрланишини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда давлат тилида ва бошқа тилларда дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини нашр этиш ва уларнинг нусхаларини кўпайтиришнинг йиллик ва истиқболли режаларини ишлаб чиқади;

Вазирлик тизими ходимларини Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларига тақдим этишга материалларни кўриб чиқади ва хулоса беради;

талабалар учун белгиланган тартибда универсиадалар ва бошқа спорт тадбирларини ўтказиши, уларнинг ғолибларини халқаро танловлар ва мусобақаларга юборади;

олий мактабни ривожлантириш, фан ва техниканинг долзарб масалалари бўйича белгиланган тартибда республика ва халқаро кенгашлар, конференциялар, симпозиумлар ўтказиши;

идоравий мансуб таркибий бўлинмалар, марказлар, Вазирлик тизимига кирадиган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларини тайинлайди.

9. Вазирлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек ўзига идоравий мансуб ташкилотлар ва муассасалар орқали ҳал қилади.

III. Вазирликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

10. Вазирлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кўриб чиқиши учун республикада олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тузилмасини такомиллаштириш ва бошқариш масалалари бўйича таклифлар киритиш;

хайъат мажлисларида олий ва ўрта махсус ўқув юртларига эга бўлган республика вазирликлари ва идоралари раҳбар ходимларининг ахбороти (маърузалари)ни кўриб чиқиш;

давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлардан ва мансабдор шахслардан кадрларга бўлган эҳтиёж тўғрисидаги ахборотни, шу жумладан шартнома асосида тайёрланган мутахассисларнинг ишга жойлаштирилиши мониторингини юритиш учун зарур бўлган таҳлилий материалларни ва бошқа материалларни сўраш ва белгиланган тартибда олиш;

идоравий бўйсунуши ва мулкчилик шаклларида қатъи назар олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида таълим тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини, Вазирликнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бажарилишини назорат қилиш;

идоравий бўйсунуши ва мулкчилик шаклларида қатъи назар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш масалалари бўйича эксперт хулосалар бериш;

барча манбалар, айниқса ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича олий таълим муассасалари даромадлари шакллантирилиши ва улардан самарали фойдаланилиши устидан назорат қилиш;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар-

ни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш факультетлари ташкил этиладиган олий таълим муассасалари рўйхатини белгилаш;

республика вазирликлари, идораларидан ва бевосита олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидан Вазирликка юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган материалларни ҳамда олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими бўйича белгиланган статистика ҳисоботини олиш ва Вазирликнинг таълим муассасаларида ҳисоб ва ҳисоботнинг ҳолати устидан назорат қилиш;

ўзига қарашли ўқув юртларини замонавий дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан тўлдириш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, шунингдек ўқув бинолари ва ётоқхоналарнинг моддий ҳолатини яхшилаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш. Жамғарма олий таълим муассасаларининг тўлов-контракт шаклида ўқитишдан тушадиган маблағларининг 5 фоизи микдордаги ажратмалари ҳисобига шакллантирилади;

ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банк муассасаларида ва бошқа кредит муассасаларида валюта ҳисоб рақамларига эга бўлиш;

мутахассисларни шартнома асосида мақсадли тайёрлаш учун идоравий мансуб олий таълим муассасаларида белгиланган тартибда махсус курслар, кафедралар, факультетлар ва лабораториялар очиш;

Фан ва технологиялар маркази билан биргаликда танлов ва грантлар асосида муаммоли лабораториялар ташкил этиш ва уларни ёпиш ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда — Вазирлик тизимининг олий таълим муассасаларида тармоқ илмий-тадқиқот лабораториялари ташкил этиш ва уларни ёпиш;

Вазирликда республиканинг олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун етакчи олимлар, юқори малакали ўқитувчилар ва мутахассислардан илмий-методик кенгашлар ташкил этиш;

марказий аппаратнинг тасдиқланган тузилмасига Вазирликнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ва аппарат ходимларининг чекланган сони доирасида бошқарувнинг технологияси ва техникасини такомиллаштириш зарурияти туфайли келиб чиққан ўзгартиришлар киритиш;

идоравий мансуб муассасаларнинг амалдаги қонун ҳужжатлари, Вазирликнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бузилган ҳолда чиқарилган буйруқларини бекор қилиш;

белгиланган тартибда Вазирликнинг мукофотлари, кўкрак белгилари ва фахрий ёрликларини таъсис этиш ҳамда улар билан илғор ходимларни ва профессор-ўқитувчилар тартибини, шунингдек энг яхши илмий ва экспериментал конструкторлик ишлари учун олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларининг талабалари ва ўқувчиларини мукофотлаш;

олий таълим муассасаларининг талабаларини белгиланган тартибда бир ўқув муассасасидан бошқасига ўтказиш, талабаликка тиклаш ва талабаликдан чиқариш, якуний давлат аттестациясини қайта топширишга рухсатнома бериш;

олий таълим муассасалари фаолиятини белгиланган тартибда текшириш.

Вазирлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Вазирлик ўз ваколатлари доирасида олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар бажариши мажбурий бўлган,

таълим сифатини оширишга, рақобатбарбош кадрлар тайёрлашга, педагог ходимларнинг самарали ишини рағбатлантиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлашга ҳақлидир.

12. Вазирлик, зарур ҳолларда, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатлар чиқаришга ҳақлидир.

13. Вазирлик олий таълим соҳасида давлат сиёсати амалга оширилиши, Вазирлик маблағларидан самарали фойдаланилиши, шунингдек ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

IV. Вазирлик фаолиятини ташкил этиш

14. Вазирликка қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган вазир бошчилик қилади.

Вазирнинг уч нафар ўринбосари бўлади, улардан бири Вазирнинг биринчи ўринбосари — Вазирликнинг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори ҳисобланади.

15. Вазир:

Вазирлик фаолиятига якка бошчилик асосида умумий раҳбарлик қилади;

Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилади ҳамда Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўз ўринбосарларининг ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, Вазирлик тизимидаги бошқа мансабдор шахсларнинг ваколатларини, ўз ўринбосарларининг ва бошқа мансабдор шахсларнинг Вазирлик фаолияти алоҳида участкаларига раҳбарлиги ва тасарруфидаги ташкилотлар ва муассасалар ишлари учун жавобгарлиги даражасини белгилайди;

Вазирлик тизими ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Вазирлик марказий аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритади, ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сони доирасида Вазирлик марказий аппаратининг штат жадвалини, шунингдек Вазирлик марказий аппаратининг, тасарруфидаги органлар ва муассасаларнинг харажатлар сметасини тасдиқлайди;

Вазирликнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, Вазирлик тизимига кирадиган тасарруфидаги бошқа ташкилотлар ва муассасаларнинг низомлари (уставлари)ни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

олий таълим муассасасининг ректори лавозимига тайинлаш учун номзодларни белгиланган тартибда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади, Вазирлик марказий аппарати ходимларини, олий таълим муассасалари проректорларини, Вазирлик тизимига кирадиган бошқа идоравий мансуб ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади, уларни аттестациядан ўтказишни ташкил этади (ректорлардан ташқари);

педагог кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида хорижий шериклар билан ҳамкорлик тўғрисида идоралараро битимлар, шартномалар тузади.

Вазир қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

16. Вазирликда 9 кишидан иборат таркибида Вазир, Вазирнинг биринчи ўринбосари ва Вазир ўринбосарлари (лавозими бўйича) ва Вазирлик тизимининг бошқа ходимларидан иборат ҳайъат ташкил этилади. Ҳайъатнинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Вазирлик ҳайъати олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш-

нинг, қабул қилинган қарорлар бажарилишини текширишнинг, кадрларни танлаш ва улардан фойдаланишнинг асосий масалаларини, энг муҳим буйруқлар ва йўриқ-номалар лойиҳаларини, Вазирлик бошқармалари ва бўлимларининг, таълим муассасалари раҳбарларининг ҳисоботларини кўриб чиқади, қарорлар қабул қилади.

Ҳайъат қарорлари, қондага кўра, Вазирнинг буйруқлари билан амалга оширилади. Вазир билан ҳайъат ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда Вазир ўз қарорини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади. Вазир пайдо бўлган келишмовчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини хабардор қилади. Ҳайъат аъзолари, ўз навбатида, ўз фикрларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига маълум қилишлари мумкин.

17. Вазирликнинг идоравий мансуб олий таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлари ўз фаолиятини белгиланган тартибда Вазирлик томонидан тасдиқланган уставлар ва низомларга мувофиқ амалга оширадilar.

18. Вазирлик фуқароларнинг мурожаатларида ўртага қўйилган масалалар тўғри ва адолатли ҳал этилишига эришиб, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқароларнинг хатлари, шикоятлари ва аризалари ўз вақтида кўриб чиқилишини ташкил этади ҳамда Вазирлик тизимининг олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари, корхоналари ва ташкилотлари фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўради.

19. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

333 Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ–3358-сон Фармони бажариш ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасида кенг кўламли чуқур билимларга эга бўлган, ҳозирги бозор шароитларида муайян касб-хунарни ва иш кўникмаларини эгаллаган ёшларни тайёрлашга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасида узлуксиз таълимнинг мақсадли вазифалари ва устувор йўналишларини рўёбга чиқариш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш;

академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқув жараёнига янги педагогика ва ахборот технологияларини, шунингдек ўқувчиларни миллий мустақиллик ғояла-

ри, бой интеллектуал мерос ҳамда умуминсоний қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг самарали шакллари ва методларини жорий этиш;

таълим даражасини ва касб-хунар мутахассисларини тайёрлаш сифатини оширишга йўналтирилган ўрта махсус, касб-хунар таълими давлат таълим стандартларини ҳамда ўқув дастурларини такомиллаштириш;

академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари учун ўқув ва ўқув-методик адабиётлар яратилиши ва нашр қилинишини ташкил этиш;

ўрта махсус, касб-хунар таълими таълим муассасалари педагог кадрларининг касб даражасини ошириш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш ишларини ташкил этиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг Марказ ҳузурида Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш институти негизида Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан бирга 2004 йил 25 августгача Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти Уставини, тузилмасини ва штат жадвалини белгиланган тартибда тасдиқласин.

3. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг ташкилий тузилмаси ҳамда унинг ходимларнинг чекланган умумий сони 79 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 58 нафар бўлган марказий аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

ҳудудий ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаларининг намунавий тузилмаси ва аппарати ходимларининг чекланган сони 3 ва 3а-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директориغا, зарурат бўлганда, Марказнинг марказий аппарати тузилмасига ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 1997 йил 17 июндаги 301-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» 1998 йил 26 февралдаги 82-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 5-иловага мувофиқ қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.


6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 20 июль,
342-сон


Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 20 июлдаги 342-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази
ташкилий тузилмаси**



* Марказга бўйсунадиган касб -ҳунар коллежлари ва академик лицейлар


Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази марказий аппарати тузилмаси



Ходимларнинг умумий чекланган сони — 79 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 58 киши

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 20 июлдаги 342-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ҳудудий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаларининг
намунавий тузилмаси**



Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 20 июлдаги 342-сон қарорига
3а-ИЛОВА

**Ҳудудий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари
аппарати ходимларининг чекланган сони**

Т/р	Ҳудудлар	Ходимларнинг чекланган умумий сони	шу жумладан бошқарув ходимлари сони
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	11	8
2.	Андижон вилояти	10	7
3.	Бухоро вилояти	9	6
4.	Жиззах вилояти	7	5
5.	Қашқадарё вилояти	11	8
6.	Навоний вилояти	7	5
7.	Наманган вилояти	10	7
8.	Самарқанд вилояти	11	8
9.	Сурхондарё вилояти	8	6
10.	Сирдарё вилояти	8	6
11.	Тошкент вилояти	14	10
12.	Фарғона вилояти	10	7
13.	Хоразм вилояти	9	6
14.	Тошкент шаҳри	14	10
	Жами:	139	99

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 20 июлдаги 342-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими
маркази тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасидаги давлат бошқарув органи ҳисобланади ҳамда ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

2. Марказ тизимига ҳудудий ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти, шунингдек Марказга қарашли академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари киради.

Ҳудудий ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари икки томонлама бўйсунишда бўладилар ва Марказга ҳамда тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ҳисоб берадилар.

3. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорларига ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

4. Марказ ўз фаолиятини давлат бошқаруви бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Марказ ва ҳудудий ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари моддий-техника таъминоти, шунингдек Марказ тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш Марказга ажратиладиган маблағлар доирасида давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

6. Марказ, ҳудудий ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари, Марказ тасарруфидаги бошқа муассасалар юридик шахс ҳисобланадилар, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўладилар.

II. Марказнинг вазифалари ва функциялари

7. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:
ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасида кенг қўламли чуқур билимларга эга бўлган, ҳозирги бозор шароитларида муайян касб-хунарни ва иш кўникмаларини эгаллаган ёшларни тайёрлашга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасида узлуксиз таълимнинг мақсадли вазифалари ва устувор йўналишларини рўёбга чиқариш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш;

академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқув жараёнига янги педагогика ва ахборот технологияларини, шунингдек ўқувчиларни миллий мустақиллик ғоялари, бой интеллектуал мерос ҳамда умуминсоний қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг самарали шакллари ва методларини жорий этиш;

таълим даражасини ва касб-хунар мутахассисларини тайёрлаш сифатини оширишга йўналтирилган ўрта махсус, касб-хунар таълими давлат таълим стандартларини ҳамда ўқув дастурларини такомиллаштириш;

академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари учун ўқув ва ўқув-методик адабиётлар яратилиши ва нашр қилинишини ташкил этиш;

ўрта махсус, касб-хунар таълими таълим муассасалари педагог кадрларининг касб даражасини ошириш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш ишларини ташкил этиш.

8. Марказ ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг бажарилиши мониторингини амалга оширади;

манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсади, вазифалари ва йўналишларини амалга оширишга қаратилган ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг илмий асосланган прогнозларини ишлаб чиқади;

академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари турлари ва йўналишларини белгилайди, минтакаларнинг географик, демографик ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни оқилона жойлаштирилишини таъминлайди;

академик лицейларни лойиҳалаштириш ва қуриш бўйича бош пудратчи сифатида иш кўради, касб-хунар коллежларининг лойиҳалаштирилишига, қурилишига ва реконструкция қилинишига методик раҳбарлик қилади ва техник жиҳатдан қўмақлашади;

ўрта махсус, касб-хунар таълими давлат стандарти, ўқув режалари ва дастурларининг жорий этилишини ва такомиллаштирилишини таъминлайди;

таълим оловчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомни тасдиқлайди;

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун ўқув ва ўқув-методик адабиётларни яратиш ва нашр этиш чора-тадбирларини кўради;

таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг, ўқув-педагогика марказлари ва кабинетларининг педагоглар жамоаларини ўқув-методик материаллар ва дарсликларни ишлаб чиқишга, янги педагогик технологияларни, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишга истиқболли ёндашувларни ишлаб чиқишга кенг жалб этишни таъминлайди;

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига таълим йўналишлари бўйича ўқувчилар қабул қилиш тартиби ва сифат кўрсаткичлари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда таклифлар киритади;

ўсиб келаётган авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг миллий мустақиллик ғояларига, бой миллий маданий-тарихий анъаналарга, халқ урф-одатларига ва умуминсоний қадриятларга асосланган самарали ташкилий ҳамда педагогик шакл ва воситаларини жорий қилади, шахсни тарбиялаш ва ҳар томонлама камол топтириш устуворлигини таъминлайди;

ўрта махсус, касб-хунар таълими таълим муассасаларида ёшларнинг илмий-техник ижодиётини ривожлантиради ва унинг самарадорлигини оширади;

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирларини таъминлайди;

етим болалар ҳамда ота-оналар қаровисиз қолган болаларнинг марказлаштирилган ҳисобини олиб боришда васийлик ва ҳомийлик органларига методик ёрдам кўрсади ва кўмаклашади;

касб-хунар коллежларидаги таълим жараёнини ишлаб чиқариш ва тадбиркорлар билан интеграциялашни чуқурлаштириш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқади ва жорий этади;

академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг педагог ва муҳандис-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини ўрганади ва уларнинг бутланишини таъминлайди;

касаба уюмлари, жамоат ташкилотлари, давлат бошқаруви манфаатдор органлари билан биргаликда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими ўқувчилари ва ходимларининг меҳнатини муҳофаза қилиш, соғлиғини ҳамда ўқиши ва меҳнати учун хавфсиз шарт-шароитларни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

педагог ходимларни рағбатлантириш ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизimini такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлайди;

ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими педагог ходимларини Ҳукумат мукофотларига тақдим этади;

Марказ тасарруфидаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг директорларини танлов орқали танлашни ташкил этади, келишиш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади ва белгиланган тартибда тайинлайди;

манфаатдор республика давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари иштирокида девиант хулқ-атворли, жисмоний ва ақлий ривожланиши заиф ўсмирларнинг таълим олиши, ривожланишдаги нуқсонини тузатиш ва ижтимоий мослаштириш ишларини ташкил этади;

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини жиҳозлашнинг норматив талабларини ишлаб чиқади, Марказ тизимидаги муассасалар ва ташкилотларда моддий-техника ресурсларидан самарали фойдаланилишини таъминлайди;

ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади, хорижий инвестицияларни академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини ривожлантиришга ва уларнинг фаолиятини такомиллаштиришга жалб этиш ишларини олиб боради;

мамлакатимиз ва хорижий молия институтларининг кредитлари, қарзлари ва грантларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлайди;

ўрта махсус, касб-хунар таълимини такомиллаштириш муаммолари бўйича кенгашлар, симпозиумлар, семинарлар, ўқув-методик конференциялар, танловлар, кўргазмалар ва бошқа тадбирларни ташкил этади.

9. Марказ ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек ҳудудий ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари ва Марказга қарашли бошқа муассасалар орқали ҳал этади.

III. Марказнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

10. Марказ ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

тегишли вазирликлар ва идоралардан, Марказнинг худудий бўлинмаларидан статистика маълумотларини ва прогноз кўрсаткичларини олиш;

ўрта махсус, касб-хунар таълимнинг айрим масалаларини ҳал этиш, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ишини такомиллаштириш, уларнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш, малакали педагог кадрлар тайёрлаш, давлат таълим муассасалари ходимлари ва ўқувчиларнинг белгиланган ижтимоий муҳофазасини таъминлаш бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

мулкчилик шакллари ва бўйсунидан қатъи назар, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари томонидан «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва ўрта махсус, касб-хунар таълими масалалари бўйича бошқа қонун ҳужжатлари бажарилишини белгиланган тартибда текшириш;

ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари ҳамда методик материаллар тўғрисида хулосалар тайёрлаш, педагогика фани ютуқлари ва илғор тажрибадан фойдаланиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш мақсадида илмий методик кенгаш ташкил этиш, методик кенгаш таркибини ва унинг тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

идоровий бўйсунидан ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш юзасидан хулосалар бериш;

хорижий инвестициялар ҳисобига сотиб олинган ўқув-лаборатория жихозлари қабул қилиниши ва етказиб берилишини таъминлаш;

базавий олий таълим муассасалари томонидан касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар учун малакали педагоглар ва муҳандис-педагог кадрлар тайёрлашни мувофиқлаштиришда ва унга методик раҳбарлик қилишда қатнашиш.

Марказ Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Марказ ўз ваколатлари доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун бажариш мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлашга ҳақлидир.

Марказ, зарур ҳолларда, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан бирга қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатлар чиқаришга ҳақлидир.

12. Марказ ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасида давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек ўзига юкланган вазифаларнинг зарур даражада бажарилиши учун жавоб беради.

IV. Марказ фаолиятини ташкил этиш

13. Марказни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари — директор бошқаради.

Директорнинг уч нафар ўринбосари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

14. Директор:

Марказ фаолиятига якка бошчилик асосида умумий раҳбарликни амалга оширади;

Марказ ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилади ҳамда

Марказга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Ўз ўринбосарларининг ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, Марказ тизимидаги бошқа мансабдор шахсларнинг ваколатларини, ўз ўринбосарларининг ва бошқа мансабдор шахсларнинг Марказ фаолияти алоҳида участкаларига раҳбарлиги ва тасарруфидаги органлар ва муассасалар ишлари учун жавобгарлик даражасини белгилайди;

Марказ тизими ходимларининг бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Марказнинг марказий аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритади, ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сони доирасида штат жадвалини, шунингдек Марказ марказий аппаратининг ҳамда республика бюджетидан молиялаштирилган тасарруфидаги муассасаларнинг харажатлар сметасини тасдиқлайди;

Марказнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, Марказ тизимига кирувчи тасарруфидаги бошқа муассасаларнинг низомлари (уставлари)ни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

Марказнинг марказий аппарати ходимларини, ҳудудий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари, Марказ тизимига кирувчи тасарруфидаги бошқа муассасалар раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

Директор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

15. Марказда таркибига директор, директор ўринбосарлари (лавозимига кўра) ва Марказнинг бошқа масъул ходимлари кирадиган етти кишидан иборат ҳайъат ташкил этилади.

Ҳайъатнинг шахсий таркиби Марказ директорининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Марказ ҳайъати Марказ фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқади, Марказнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари, тасарруфидаги бошқа органлар ва муассасалар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади, Марказнинг муҳим буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама қилади.

Ҳайъат қарорлари Марказ директорининг буйруқлари билан амалга оширилади. Директор билан ҳайъат ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда директор ўз қарорини амалга оширади. Директор пайдо бўлган келишмовчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини хабардор қилади.

16. Ҳудудий бошқармалар, шунингдек Марказ тасарруфидаги муассасалар ўз фаолиятини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишган ҳолда Марказ томонидан тасдиқланган низомларга мувофиқ амалга оширадilar.

Ҳудудий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари бошлиқлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тақдимномасига биноан Марказ директори томонидан лавозимга тайинланадилар.

17. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 20 июлдаги 342-сон қарорига
5-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида» 1998 йил 24 февралдаги 77-сон қарорида:

1-банднинг иккинчи—ўн биринчи хатбоши, 4-банднинг иккинчи—саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

3, 5-бандлар ва қарорга 1, 1а, 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

6-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви республика органларининг бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштириш ва қисқартириш тўғрисида» 2004 йил 5 январдаги 1-сон қарорига 2-илова 17-банднинг «Марказий аппарат» сатрида тўртинчи ва бешинчи устунлардаги «5» ва «10» рақамлари чиқариб ташлансин, олтинчи устундаги «46» рақами «58» рақами билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

334 Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида

«Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши ҳамда Адлия вазирлигига қўшимча функциялар юкланиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 27 августдаги 370-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 79-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги Низомга қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

а) II бўлим 7-банднинг 8-кичик бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«сиёсий партияларнинг уставларида назарда тутилган фаолиятни молиялаштириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратиладиган давлат маблағларини улар ўртасида тақсимлайди»;

б) III бўлим 9-банднинг 28-кичик бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

«сиёсий партияларнинг уставларида назарда тутилган фаолиятни давлат томонидан молиялаштиришни тўхтатиб туриш ёки тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш».

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 20 июль,
343-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

335 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

«Хусусий корхона тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 21 июль,
346-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 21 июлдаги 346-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» 1995 йил 14 февралдаги 55-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 2-сон, 3-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 1995 йил

15 сентябрдаги 361-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 9-сон, 34-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва тугатиш тартиби тўғрисида» 1997 йил 2 июлдаги 336-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 7-сон, 24-модда) 5-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 1999 йил 7 июлдаги 334-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 7-сон, 36-модда).

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 1999 йил 14 сентябрдаги 427-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 9-сон, 53-модда) илованинг 7-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2000 йил 5 июндаги 214-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 27-модда).

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2001 йил 27 июндаги 276-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 6-сон, 34-модда) илованинг 6-банди.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2001 йил 22 августдаги 347-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 8-сон, 47-модда) 2-илованинг 3-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

336 Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг ташқи ва ички бозорларда рақобатбардошлилигини янада ошириш, республиканинг экспорт салоҳиятини кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 1-иловага* мувофиқ республика ишлаб чиқарувчи корхоналарининг 2004—2006 йиллар мобайнида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш муддатлари тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари мазкур қарорга 1-иловага киритилган корхоналар бўйича сифатни бошқариш тизимларини босқичма-босқич ишлаб чиқиш, жорий этиш ва сертификатлаштириш тадбирларининг тармок дастурларини икки ҳафта муддатда тасдиқласинлар.

* 1-илова берилмайди.

Сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш ва сертификатлаштиришнинг таҳлилига оид масалаларни Комплексларнинг ҳар чоракдаги мажлисларида мунтазам кўриб чиқиш Вазирлар Маҳкамаси комплекслари иш амалиётига жорий этилсин.

Иш якунларини чиқаришда бошқарувнинг барча даражаларида сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш бўйича кўрсаткичлардан раҳбарлар ишини баҳолаш мезонларидан бири сифатида фойдаланилсин.

3. Сифатни бошқариш тизимлари жорий этилишини мувофиқлаштириш бўйича 2-иловага* мувофиқ таркибда махсус ишчи гуруҳ ташкил этилсин.

Қуйидагилар ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш ва махсулотларни ўз вақтида сертификатлаш ишларини мувофиқлаштириш;

ишлаб чиқарувчи корхоналарда сифатни бошқариш тизимларини ўз вақтида ишлаб чиқиш, жорий этиш ва сертификатлаш билан боғлиқ жараёнларнинг мунтазам мониторингини амалга ошириш;

сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш тадбирларини молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва бошқа донор ташкилотларнинг грантларини жалб этишда ишлаб чиқарувчи корхоналарга кўмаклашиш;

халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимини жорий этган ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш.

4. Белгилансинки, даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда юридик шахсларнинг солиқ солинадиган даромади (фойдаси) сифатни бошқариш тизимлари жорий этилиши ва уларни қўллаб-қувватлашга йўналтириладиган инвестициялар суммасига қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда камайтирилади.

5. Синов лабораториялари томонидан четдан олиб келинадиган, махсулотларни лабораторияда текшириш ва тест синовидан ўтказишда фойдаланиладиган технология асбоб-ускуналари божхона тўловларидан, шу жумладан қўшилган қиймат солиғидан озод қилинсин (божхонада расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно).

6. «Ўзстандарт» агентлиги халқаро сифат стандартларини жорий этган корхоналар реестрини ташкил этсин ва унинг оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда эълон қилинишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига техника соҳаси ўқув юртларида «сифат менежер» йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлаш дастурини жорий этиш тўғрисида таклифлар киритсин.

8. «Ўзтелерадио» компанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги корхоналарнинг ишлаб чиқаришларида сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш бўйича тажрибасини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритсинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 22 июль,
349-сон

* 2-илова берилмайди.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ҚАРОРИ

338 2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Дастурини молиялаш учун йўналтирилаётган маблағларни солиқ солиш базасидан камайтириш юзасидан хўжалик юритувчи субъектлар учун даромад (фойда) солиғи бўйича имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
21 июлда 1387-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 31 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги «2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги ПФ-3431-сон Фармониغا (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 21-сон, 250-модда) асосан **қарор қиламиз:**

1. 2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Дастурини молиялаш учун йўналтирилаётган маблағларни солиқ солиш базасидан камайтириш юзасидан хўжалик юритувчи субъектлар учун даромад (фойда) солиғи бўйича имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисида низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб ўн кун муддатдан сўнг кучга киради.

Молия вазири ўринбосари Д. ҚЎЧҚОРОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 13 июль,
94-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 13 июль,
2004-46-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ҚАРОРИ

339 Автомобиль йўллари орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона кузатуви тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 21 июлда 1278-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2004 йил 31 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 майдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташилаётган товарларни божхона томонидан назорат қилишни кучайтириш тўғрисида»ги 239-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ички Ишлар вазирлиги **қарор қилади:**

1. Автомобиль йўллари орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона кузатуви тартиби тўғрисидаги низомга (2003 йил 27 сентябрь, рўйхат рақами 1278 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси 2003 й., 17-18-сон) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

Давлат божхона қўмитаси раиси Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 6 июль,
01-02/20-28-сон

Ички Ишлар вазири З. АЛМАТОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 6 июль,
24/5-2000-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилди.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

340 Ўзбекистон Республикаси норезидентлар томонидан радиоалоқани ташкил этиш учун рухсатнома ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
21 июлда 1388-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 31 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Радиочастоталар спектри тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-3358-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 майдаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 215-сон қарорига мувофиқ, **буюраман:**

1. «Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан радиоалоқани ташкил этиш учун рухсатнома ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида йўриқнома» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

3. Мазкур буйруқ кучга кирган кундан бошлаб амалда бўлган Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлигининг 1999 йил 28 августдаги 319-сон буйруғи билан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 6 августда 796-сон билан рўйхатдан ўтган «Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан радиоалоқа ташкил қилиш учун рухсатномаларни расмийлаштириш тартиби ҳақидаги йўриқнома» ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Бош директор ўринбосари А.Ж. Хаджаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
Бош директори А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 28 июнь,
180-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА
ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
«ЎЗКИМЁСАНОАТ» ДАК
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ТОВАР ХОМАШЁ БИРЖАСИНИНГ
ҚАРОРИ

341 2004 йилда аммиакли селитрадан ташқари, минерал
ўғитларни биржа савдоларида сотиш тартиби тўғри-
сида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
21 июлда 1389-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 31 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон «Маҳсулотлар, хомашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. «2004 йилда аммиакли селитрадан ташқари, минерал ўғитларни биржа савдоларида сотиш тартиби тўғрисида»ги вақтинчалик низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Иқтисодиёт вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 30 июнь,
37-сон

Давлат мулки қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 30 июнь,
01/24-36-сон

Молия вазири М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 30 июнь,
91-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилди.

«Ўзкимёсаноат» ДАК бошқаруви раиси Г. ИБРАГИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 30 июнь,
01-2003-сон

Ўзбекистон республика товар хомашё биржаси бошқаруви
раиси Т. ТОХТАБАЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 30 июнь,
42-01/393-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ
ИҚТИСОДИЙ НОЧОР КОРХОНАЛАР ИШЛАРИ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

342 Ишончли вакил тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

(2004 йил 23 июлда давлат реестридан чиқарилди)

«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси **қарор қилади:**
«Ишончли вакил тўғрисидаги низом»(1999 йил 9 декабрь, рўйхат рақами 845)
ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси раиси Г. САИДОВА

Тошкент ш.,
2004 йил 15 июль,
1-сон

Келишилган:

Олий хўжалик суди раиси вазифасини бажарувчи Н. АХМОНОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 15 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ХУЗУРИДАГИ
ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА
НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**343 Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон
Республикаси қонунчилигининг бузилишига доир
ишларни кўриб чиқиш ва жазо қўллаш тартиби тўғрисидаги
низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
23 июлда 1131-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 2 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга асосан **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан 2002 йил 13 мартда тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилишига доир ишларни кўриб чиқиш ва жазо қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга (2002 йил 23 апрель, рўйхат рақами 1131) ўзгартириш ва қўшимчалар иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат
қилиш маркази бош директори М. ЮНУСМАТОВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 6 июль,
2004-15-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2004 йил 17 июлдан 23 июлгача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Дастурини молиялаш учун йўналтирилаётган маблағларни солиқ солиш базасидан камайтириш юзасидан хўжалик юритувчи субъектлар учун даромад (фойда) солиғи бўйича имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 13 июлдаги 94, 2004-46-сон қарори.*

2004 йил 21 июлда 1387-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 31 июлдан кучга киради).

2. «Автомобиль йўллари орқали олиб ўтиладиган товарларнинг божхона кузатуви тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ички ишлар вазирлигининг 2004 йил 6 июлдаги 01-02/20-28, 24/5-2000-сон қарори.*

2004 йил 21 июлда 1278-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 31 июлдан кучга киради).

3. «Ўзбекистон Республикаси норезидентлар томонидан радиоалоқани ташкил этиш учун рухсатнома ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2004 йил 28 июндаги 180-сон буйруғи.*

2004 йил 21 июлда 1388-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 31 июлдан кучга киради).

4. «2004 йилда аммиакли селитрадан ташқари, минерал ўғитларни биржа савдоларида сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, «Ўзкимёсаноат» ДАК, Ўзбекистон республика товар хомашё биржасининг 2004 йил 30 июндаги 37, 01/24-36, 91, 01-2003, 42-01/393-сон қарори.*

2004 йил 21 июлда 1389-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 31 июлдан кучга киради).

5. «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бузилишига доир ишларни кўриб чиқиш ва жазо қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2004 йил 6 июлдаги 2004-15-сон буйруғи.*

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

2004 йил 23 июлда 1131-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 2 августдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан радиоалоқани ташкил этиш учун рухсатнома ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида йўриқнома. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан тасдиқланган (1999 йил 6 август, рўйхат рақами 796).

Адлия вазирининг 2004 йил 21 июлдаги 166-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. Ишончли вакил тўғрисида низом. Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси томонидан тасдиқланган (1999 йил 9 декабрь, рўйхат рақами 845).

Адлия вазирининг 2004 йил 23 июлдаги 168-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиршлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

